

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ТРАВМАТОЛОГИЯ ВА
ОРТОПЕДИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ ХУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.28.02.2018.Tib.62.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ

ЭШНАЗАРОВ КАМОЛХЎЖА ЭШНАЗАРОВИЧ

**ТИЗЗА БЎҒИМИ ОСТЕОАРТРОЗЛАРИНИ ХИРУРГИК
ДАВОЛАШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

14.00.22 – Травматология ва ортопедия

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ - 2018

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Эшназаров Камолхўжа Эшназарович

Тизза бўғими остеоартрозларини хирургик даволашни

такомиллаштириш..... 3

Эшназаров Камолхўжа Эшназарович

Совершенствование хирургического лечения остеоартрозов

коленного сустава..... 19

Eshnazarov Kamolhuja Eshnazarovich

Improvement of surgical treatment of knee osteoarthritis 35

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works..... 39

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ТРАВМАТОЛОГИЯ ВА
ОРТОПЕДИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ ХУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.28.02.2018.Tib.62.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ

ЭШНАЗАРОВ КАМОЛХЎЖА ЭШНАЗАРОВИЧ

**ТИЗЗА БЎҒИМИ ОСТЕОАРТРОЗЛАРИНИ ХИРУРГИК
ДАВОЛАШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

14.00.22 – Травматология ва ортопедия

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2018

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.3.PhD/Tib367рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент тиббиёт академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати икки тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.niito.uz) ва «Ziyonet» ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: **Асилова Саодат Убайевна**
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: **Хамраев Алишер Шахобович**
тиббиёт фанлари доктори

Алимов Азиз Пулатович
тиббиёт фанлари номзоди

Етакчи ташкилот: **Ёнсей Университетининг Ёнгин клиникаси,
Корея Республикаси**

Диссертация ҳимояси Республика ихтисослаштирилган травматология ва ортопедия илмий-амалий тиббиёт маркази ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.28.02.2018.Tib.62.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2018 йил «_____» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100147, Тошкент шаҳри Маҳтумқули кўчаси,78-уй. Тел.: (+99871) 233-10-30; факс: (+99871) 233-10-30; e-mail: niito-tashkent@yandex.ru, Республика ихтисослаштирилган травматология ва ортопедия илмий-амалий тиббиёт маркази мажлислар зали).

Диссертация билан Республика ихтисослаштирилган травматология ва ортопедия илмий-амалий тиббиёт маркази Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ - сон билан рўйхатга олинган). Манзил: 100147, Тошкент шаҳри Маҳтумқули кўчаси,78-уй. Тел.: (+99871) 233-10-30; факс: (+99871) 233-10-30.

Диссертация автореферати 2018 йил «_____» _____ куни тарқатилди.
(2018 йил «_____» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

М.Ж. Азизов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

У.М. Рустамова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби,
тиббиёт фанлари номзоди, катта илмий ходим

И.Ю. Ходжанов

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жахон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра остеоартрозлар эркаклар ўртасида ўртача 9,6%, аёллар ўртасида эса 18%ни ташкил этади¹. Тизза бўғими остеоартрозлари 8-40%гача, 65 ёшдан ошган кишиларда эса 33,6%гача учрайди². Европа аҳолиси ўртасида эса 45-80 ёшдаги кишиларда тизза бўғими касалликлари орасида остеоартроз 22%дан 55%гача учрайди ва у ногиронликнинг асосий сабабчиси деб топилган³.

Дунё миқёсида тизза бўғими остеоартрозларини даволаш учун артроскопик муолажалар, остеотомия ва эндопротезлашнинг кўпгина услубларидан фойдаланилади. Тизза бўғими остеоартрозининг ривожланишини секинлаштириш ва бўғим функционал ҳолатини яхшилаш учун дебридмент, микрофрактуризация, хондропластика ва коррекцияловчи амалиётлар қўлланилиб, ижобий натижаларга эришилган бўлса-да, хирургик аралашув жароҳатли бўлиб, бўғим беқарорлиги ва бўғим атрофи тўқималарининг зарарланиши каби асоратлар учрамоқда. Бу ҳолат туфайли беморларнинг клиник ва функционал қайта тикланиш муддатининг узайиши ва бўғимдаги ўзгаришларнинг ҳар доим ҳам клиник белгиларга мос келмаслиги хирургик даволашга бўлган кўрсатмаларни қайта кўриб чиқиш, ташхислашнинг такомиллашган мезонларини таклиф қилиш ва патогенетик механизмларга таянган ҳолда кам асоратли комплекс даволаш услубларини ишлаб чиқишга зарурат борлигини кўрсатади.

Бугунги кунда республикамызда аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш ҳамда соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш бўйича кенг қамровли ишлар олиб борилмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг 4.2.-бандида аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш, хотин-қизларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш юзасидан қатор вазифалар келтирилган⁴. Жумладан, аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдам сифатини ошириш, вилоятлар ҳамда чекка ҳудудларда аҳолига тиббий ташхис қўйиш ва даволаш сифатини яхшилаш, хотин-қизлар ва катта ёшли фуқаролар соғлигини қайта тиклаш бўйича алоҳида чора-тадбирлар ишлаб чиқиш белгиланган. Аҳолининг катта ёшли қатлами ва аёллар ўртасида кенг тарқалган тизза бўғими остеоартрозларини хирургик даволашни замонавий диагностика услубларидан кенг фойдаланиш орқали такомиллаштириш ҳамда беморларнинг даволашдан кейинги

¹World Health Organization website / Woolf A.D., Pfleger B. Burden of major musculoskeletal conditions // Special Theme – Bone and Joint Decade 2000-2010 p.646-656;

²Joern W., Michael P., Klaus U. The Epidemiology, Etiology, Diagnosis, and Treatment of Osteoarthritis of the Knee. // Dtsch Arztebl Int. – 2010. – Vol. 107, N. 9. – pp.152–162;

³Castell M. V., Suzan van der Pas, Otero A., et al. Osteoarthritis and frailty in elderly individuals across six European countries: results from the European Project on OsteoArthritis (EPOSA). // BMC Musculoskeletal Disorders. – 2015. – N. 16. – pp. 359- 364;

⁴Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ 4947 - сон Фармони «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси», 07.02.2017.

даврлардаги аҳолини баҳолашни энгиллаштириш тартибини ишлаб чиқиш бугунги кунда долзарб бўлиб, Ҳаракатлар стратегияси талабларига мос келади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 12 июндаги ПҚ-3052-сон «Соғлиқни сақлаш органлари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017-2021 йилларда ихтисослашган тиббий ёрдам кўрсатишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2017 йил 20 июндаги ПҚ-3071-сонли қарори талабларидан келиб чиқиб, такомиллашган даволаш услубларини татбиқ этишга асосланган ушбу диссертация иши ҳужжатда белгилаб олинган мақсад ва вазифаларни бажаришда амалий аҳамиятга эга.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Тизза бўғими остеоартрозларини ташхислашда оёқ статик ва динамик хусусиятлари бузилишига ҳамда бўғимдаги иккиламчи ўзгаришлар келиб чиқишига сабаб бўладиган бўғим атрофи юмшоқ тўқималари, хусусан, мушаклар фаолиятини электронейромиография (ЭНМГ) ёрдамида ўрганишга катта аҳамият берилмоқда (Clint H., Einar E., Athol T., et al., 2017). Тизза бўғимининг асосий ҳаракат функциясини таъминлашда тиззанинг ёзувчи мушаклари (*m.vastus medialis*, *m. rectus femori*, *m.vastus lateralis*) ҳамда букувчи ва қисман ротацион ҳаракатларда бевосита иштирок этадиган медиал (*m.sartorius*, *m.gracelis*, *m. semitendinosus*, *m. semimembranosus*) ва латерал (*m.biceps*) мушаклар қатнашади (Зоря В.И., Лазишвили Г.Д., Шпаковский Д.Е., 2010). Клиник ва инструментал текшириш услублари ёрдамида тизза бўғими остеоартрозининг асосан бўғимнинг медиал соҳасида 60–90%гача учраши қатор адабиётларда таъкидланади (Корнилов Н. В., 2006; Felson D.T., 2013). Шунга қарамай, остеоартрознинг эрта босқичларида тизза функциясида фаол қатнашувчи медиал гуруҳ букувчи мушакларидаги (*m.sartorius*, *m.gracelis*, *m.semitendinosus*, *m.semimembranosus*) ЭНМГ ўзгаришлар ва уларнинг касаллик ривожланишидаги ўрни етарлича ўрганилмаган (Iolascon G., Gimigliano F., Moretti A., et al. 2017; Liu C., Wan Q., Zhou W. et al., 2017).

Тизза бўғими остеоартрозларининг бошланғич босқичларида яллиғланиш ва оғриқ туфайли реффлектор равишда қисқарувчанлик кучайиб, мушаклар таранглиги ошиши, узоқ муддатли патологик жараёнларда эса мушаклар ва пайларда биоэлектрик ўтказувчанлик ва кўзгалувчанликнинг пасайиши оқибатида мушакларнинг етарлича ҳаракатланмаслиги сабабли, микроконтрактураларнинг юзага келиши ва натижада тиззадаги ҳаракат чекланишларининг ривожланиши аниқланган (Meireles S., Groote F.D., Reeves N.D., et al., 2016). Бўғим атрофи юмшоқ тўқималаридаги ҳаракат чекланишлари тизза биомеханикасининг янада кўпроқ бузилишига, деформацияларнинг келиб чиқишига, контрактураларнинг турғун ҳолатга ўтишига ҳамда тизза бўғими остеоартрозларининг ривожланишига олиб

келади (Qingguang Z., Min F., Li G., et al., 2015). Тизза бўғими медиал коллатерал бойламлари бўғим стабиллигини таъминлашда ва шу соҳада жойлашган мушак ва пайлар билан биргаликда бўғим ҳаракатлари биомеханизмининг шаклланишида катнашади. Тизза бўғими остеоартрозларида юзага келадиган турли даражадаги контрактуралар ва суяк қирраларида пайдо бўладиган остеофитлар туфайли медиал коллатерал бойламнинг сиқилиши бўғим бўшлиғининг медиал соҳаси оралиғи торайишига ҳамда бўғим ичи босимининг ортишига сабаб бўлади, бу эса варусли деформациянинг янада кучайишига ва ҳаракат чекланишларига олиб келади (Takacs J., Carpenter M.G., Garland S.J., et al. 2015).

Тизза бўғими остеоартрозларида медиал гуруҳ юмшоқ тўқималарини релиз қилиш бўғим юзаларининг медиал қисмига тушаётган босимни камайтириш, бўғим оралиғини кенгайтириш ҳамда бўғимнинг ҳаракат биомеханизмини мўътадиллаштиришга ёрдам беради. Бу эса остеоартрознинг ривожланишини секинлаштиради, тоғайдаги регенерация жараёнини тезлаштиради, бўғим кинематикасини яхшилайти ва деформацияларни бартараф этади (Куи S.C., Jeong K.H., Но J. R., et al. 2017).

Артроскопик амалиётлар ўтказишда тизза бўғими медиал соҳасини кўриш майдонини кенгайтириш ҳамда остеоартрозларда бўғимдаги ҳаракат чегараларини яхшилаш учун медиал коллатерал бойламни бўғим ичидан релиз қилиш қўлланади (Javidan P., Ahmed M., Kaar S. G., 2014). Аммо жарроҳлик амалиётларидан кейин бўғим ичида ва тўқималар орасида гематомаларнинг пайдо бўлиши ҳамда ажратилган бойламда кесма қалинлигини аниқлаш имкониятининг йўқлиги ушбу амалиётнинг кенг қўлланилишига тўсқинлик қилади (Fakioglu O., Ozsoy M.H., Ozdemir H.M., et al. 2013). Бундан ташқари, медиал коллатерал бойламнинг ички шохи бўғим стабиллигини таъминловчи асосий восита бўлиши билан бирга унинг толалари ички мениск ҳаракатларига таъсир этади. Ушбу бойлам ички шохининг бўғим ҳаракатларига салбий таъсир қиладиган даражада кесилиши, юқорида таъкидланган икки муҳим физиологик механизмнинг бузилишига сабаб бўлиши мумкин. Медиал коллатерал бойламларнинг ички шохи яхши ривожланмаган ҳамда унинг толалари касалликнинг маълум патогенетик омиллари туфайли ўзгаришга учраган беморларда ушбу жарроҳлик амалиёти тизза бўғимида ностабилликни келтириб чиқаради.

Тизза бўғими остеоартрозини даволашнинг қатор услублари ва уларга кўрсатмалар ишлаб чиқилган бўлишига қарамай, даволашдан кейинги даврлардаги ижобий натижалар етарли эмас. Хирургик аралашувларда тўқималарнинг кўплаб жароҳатланиши, эрта ва кечки асоратлар микдорининг юқори бўлиб қолаётганлиги ҳамда беморлар реабилитацион даврининг узок муддатлилиги касалликнинг эрта босқичларида барча патогенетик мезонларни тўғри баҳолаш орқали тўқималарнинг минимал жароҳатланиши билан ўтказиладиган хирургик даволаш услубларини такомиллаштириш зарурлигини кўрсатади (Katz J.N., Brownlee S.A., Jones M. H., 2014).

Остеоартрозлар билан касалланган ёки тизза бўғими остеоартрозлари бўйича хирургик даволанган беморлар ҳолатини баҳолашнинг бир қанча

услуглари ишлаб чиқилган бўлса-да, ушбу услублар, асосан, касалликнинг клиник белгилари, беморларнинг психологик ёки функционал ҳолати ва кўшимча текшириш натижаларига асосланган. Бу эса хирургик даволанган беморларни реабилитацион муолажалар тугагандан кейинги даврда кузатиш имкониятини чеклайди. Маълум субъектив маълумотларга кўра, беморлар ҳолатини баҳолаш орқали кўшимча текшириш ёки даволаш муолажаларига эҳтиёж бор ёки йўқлигини аниқлашга ёрдам берадиган тартибни ишлаб чиқиш бугунги кунда долзарб бўлиб қолмоқда.

Диссертация ишининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент тиббиёт академиясининг илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ 01.1500212-сон «Йирик бўғимлар патологиясида ташхис ва даволашни такомиллаштириш» (2015-2018 йиллар) мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади тизза бўғими остеоартрозининг эрта босқичларида даволаш тактикасини дифференциал танлаш ҳамда бўғим атрофи юмшоқ тўқималаридаги хирургик аралашув услубларини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

тизза бўғими остеоартрози эрта босқичларида ташхис қўйиш ва даволаш услубини танлашда клиник ва инструментал текширишлар билан бирга ЭНМГ натижаларининг аҳамиятини аниқлаш;

бўғимдаги патологик ўзгаришларнинг жойлашган ўрни ва хусусиятларини ўрганиш орқали хирургик даволаш услубларини такомиллаштириш;

тизза бўғими остеоартрозларини артроскопик даволашнинг комплекс услубини ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ этиш;

тизза бўғими остеоартрозларини хирургик даволашдан кейин беморлар ҳолатини ўрганиш ва уни баҳолаш тартибини ишлаб чиқиш;

тизза бўғими остеоартрозларида такомиллашган хирургик даволаш услубини қўллаш натижаларини баҳолаш;

Тадқиқотнинг объекти сифатида тизза бўғими остеоартрози ташхиси билан 2012-2015 йиллар даврида Корея Республикаси Барунсесанг госпиталида (50 нафар) ҳамда 2016-2017 йиллар давомида Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигига қаршли 1-сон Республика клиник шифохонасининг травматология ва ортопедия бўлимида (53 нафар) даволанган жами 103 нафар бемор олинди.

Тадқиқотнинг предметини тизза бўғими остеоартрозида ташхис қўйиш ва ривожланиш патогенезига таъсир этувчи омилларни ўрганишда қўлланадиган клиник ва инструментал текширишлар ҳамда янги такомиллаштирилган хирургик даволаш услубини қўллаш натижалари ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Илмий тадқиқотни бажариш давомида клиник, рентгенологик, магнит резонанс томография (МРТ), ЭНМГ, артроскопик ва статистик усуллардан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

тизза бўғими остеоартрозининг эрта босқичларида медиал соҳадаги патологик ўчоққа яқин жойлашган тиззани букувчи ва ротацион медиал гуруҳ мушаклари тинч турган ҳолатда тонуси ортиши ҳамда функционал фаол даврда мушаклар қисқарувчанлигининг камайиши исботланган;

тизза бўғими остеоартрозининг эрта босқичларида бўғим медиал соҳаси букувчи мушакларидаги патологик ўзгаришларга асосланган тизза медиал соҳаси юмшоқ тўқималарини релиз қилиш орқали бажариладиган жаррохлик амалиёти услуби такомиллаштирилган;

тизза бўғими остеоартрозининг эрта босқичларида сон ва тизза бўғими медиал соҳаси мушаклари пайларини тенолиз ва тенотомия қилиш орқали тизза бўғими компонентлари ҳаракат майдони ортиши исботланган;

тизза бўғими остеоартрозининг эрта босқичларида сон суяги бўғим юзасидаги кичик ҳажмдаги нуксонларни «пирамида» шаклида микрофрактуризация қилиш уларнинг қайта тикланишига олиб келиши исботланган;

тизза бўғими остеоартрозининг эрта босқичларида медиал коллатерал бойлам юза толаларини катта болдир суягидан қисман ажратиш, катта болдир суяги проксимал эпиметафизда бўғим юзасига параллел йўналтирилган «елпиғичсимон» туннелизация ўтказиш, медиал соҳа мушаклари пайларида шахматсимон тартибда кичик ўлчамдаги кесимлар қилиш ва даволаш амалиётидан кейинги даврда беморлар ҳолатини баҳолаш орқали ўтказиладиган комплекс хирургик даволаш услубининг даволаш натижаларини яхшиланиши исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

тизза бўғими остеоартрозларининг эрта босқичларида медиал бўғим юзаларига тушадиган босим кучини камайтириш, бўғим бўшлиғини кенгайтириш ва оёқ ўқини тўғрилаш мақсадида тизза медиал соҳаси юмшоқ тўқималарини релиз қилиш билан бажариладиган комплекс хирургик даволаш услубини қўллаш натижалари;

тизза бўғими остеоартрозларини комплекс хирургик даволашда юмшоқ тўқималарни найсимон суяклардан ажратиш имконини берувчи мослама (FAP 01296 11.04.2018) қўлланилиб, натижада медиал коллатерал бойлам юза толаларини катта болдир суягидан ажратиш осонлашган ва ёндош тўқималар шикастланишининг олди олинган;

ишлаб чиқилган тизза бўғими остеоартрозларини хирургик даволашдан кейин баҳолаш усули ёрдамида даволашдан кейинги даврларда беморлар ҳолати ўрганилган ҳамда қўшимча текшириш ва даволаш усулларини қўллашга эҳтиёж бор ёки йўқлиги аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончилиги амалиётда кенг қўлланилувчи клиник, рентгенологик, МРТ, ЭНМГ, артроскопик усуллар билан тасдиқланган, олинган барча натижа ва хулосалар далилий тиббиёт принципларига ва статистик ишлов бериш хулосаларига асосланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқотнинг илмий аҳамияти тизза бўғими остеоартрозлари бўлган беморларда касалликнинг эрта босқичларида букувчи ва қисман ротацион ҳаракатларда қатнашувчи мушаклар тонусининг тинч турган ҳолатда ортиши ҳамда функционал фаоллик вақтида ҳаракат потенциалларининг максимал амплитудасини камайишининг исботланиши, бўғимнинг медиал соҳаси юмшоқ тўқималарини релиз қилиш йўли билан бажариладиган комплекс хирургик даволаш услубининг ишлаб чиқилиши ҳамда тизза бўғими остеоартрозларини хирургик даволашдан кейин беморлар ҳолатини баҳолаш тартиби даволаш самарадорлигини оширишидан иборат.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти: тизза бўғими остеоартрозининг эрта босқичларида бўғим медиал соҳасидаги патологик ўчоққа яқин жойлашган тиззани букувчи ва ротацион медиал гуруҳ мушаклари (*m.sartorius*, *m.gracelis*, *m.semitendinosus*, *m.semimembranosus*)ни тинч турган ҳамда функционал фаол ҳолатда аниқланадиган ўзгаришлар хирургик даволаш услубини тўғри танлашга ёрдам беради; артроскоп ёрдамида ўтказиладиган комплекс хирургик даволаш услубини қўллаш даволаш натижаларини яхшилашга олиб келади; ушбу жарроҳлик амалиётини бажариш вақтида тўқималар жароҳатини камайтириш имконини берувчи юмшоқ тўқималарни суякдан ажратиш учун ишлаб чиқилган мослама хирургик амалиётини ўтказишда қулайлик яратишидан иборат. Тадқиқотнинг айрим илмий ва амалий натижалари тизза бўғими остеоартрозларини ўрганишда ва хирургик даволашга бағишланган мавзулар бўйича мутахассис ва курсантларни ўқитиш дастурининг таркиби ва мундарижасини такомиллаштириш имконини беради.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Тизза бўғими остеоартрозларини хирургик даволашни такомиллаштириш орқали даволаш натижаларини яхшилашга бағишланган тадқиқот бўйича олинган илмий натижалар асосида:

«Тизза бўғими остеоартрозларини хирургик даволашдан кейин баҳолаш» номли услубий тавсияномаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2017 йил 30 майдаги №8н-р/81-сон маълумотномаси). Таклиф этилган тавсияларни амалиётга қўллаш беморларни даволашдан кейинги даврларда ўрганишда, уларнинг клиник-функционал ҳолатини кундалик ҳаёт фаолиятига боғлиқ ҳолда баҳолаш, бошқа кўшимча текшириш ва даволаш услубларига эҳтиёж бор ёки йўқлигини таҳлил қилишни масофадан ташкил қилишга, беморлар ҳолатини баҳолашни ташкиллаштиришга ҳамда даволаш натижаларини ўрганишни осонлаштиришга имкон берган;

«Тизза бўғими остеоартрозларини комплекс хирургик даволаш» номли услубий тавсияномаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 29 январдаги №8н-р/12-сон маълумотномаси). Беморларни хирургик даволаш сифатини яхшилашга бағишланган тадқиқотдан олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш амалий фаолиятига татбиқ қилинган;

тизза бўғими остеоартрозларини хирургик даволашда «Юмшоқ тўқималарни суякдан ажратиш учун мослама» (FAP 01296 11.04.2018)

қўлланилиб, медиал коллатерал бойлам толаларини катта болдир суягидан ажратишда юмшоқ тўқималарнинг камроқ жароҳатланишини таъминлаш ва хирургик амалиётни ўтказишни осонлаштириш имконини берган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 30 майдаги №8н-р/81-сон маълумотномаси);

тizza бўғими остеоартрози бўлган беморларда хирургик даволаш натижаларини яхшилаш бўйича бажарилган диссертация ишидан олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш амалий фаолиятига, хусусан, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги 1-сон Республика клиник шифохонасида ҳамда Самарқанд вилояти ортопедия ва шикастланишлар оқибатлари шифохонасида татбиқ қилинган. Тадқиқотдан олинган натижалар тizza бўғими остеоартрози бўлган беморларни даволаш сифатини яхшилаш, артроскоп ёрдамида комплекс хирургик даволаш услубини такомиллаштириш ва амалиётдан кейинги асоратларни 5,88% дан 1,92% гача камайтириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 4 та илмий-амалий конференция, жумладан, 2 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 13 та илмий иш чоп этилган, жумладан, 6 та илмий мақола Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация Комиссияси докторлик диссертациялари асосий натижаларини чоп этиш учун тавсия этган нашрларда нашр этилган, улардан 1 таси хорижий, 5 таси республика журналларида эълон қилинган. Тадқиқот иши бўйича 1 фойдали моделга патент олинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида илмий изланишга танланган мавзу ва ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Тizza бўғими остеоартрозларининг ривожланиши, уларга ташхис қўйиш ва хирургик даволашга замонавий қарашлар**» деб номланган биринчи бобитizza бўғими остеоартрозларининг ривожланиши, уларга ташхис қўйиш ва хирургик даволашга замонавий қарашларнинг халқаро адабиётларда ёритилишига ва уларни таҳлил қилишга бағишланган. Касалликнинг эрта босқичларида ташхис қўйиш ва даволаш тактикасини танлашда қўшимча текшириш услублари, хусусан, ЭНМГ услубининг аҳамияти, мавжуд муаммолар атрофлича ўрганилган. Хирургик даволаш

услугларини касалликнинг босқичларига мос равишда танлаш ва касалликнинг эрта босқичларида даволаш натижаларини яхшилашга қаратилган даволаш услублари ўрганилиб, ушбу боб таҳлил этилган материални умумлаштирувчи хулосалар билан яқунланади.

Диссертациянинг «**Материал ва қўлланган текширув усулларининг клиник тавсифи**» номли иккинчи бобида илмий изланишларга киритилган, тизза бўғими остеоартрози ташхиси билан даволанган 103 нафар беморнинг умумий тавсифи, ўтказилган клиник-функционал ва инструментал текшириш усуллари ҳақида маълумотлар берилган. Беморларнинг 50 нафари 2012-2015 йилларда Корея Республикаси Барунсесанг госпиталида ва 53 нафари 2016-2017 йиллар давомида Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигига қарашли 1-сон Республика клиник шифохонасининг травматология ва ортопедия бўлимида даволанган. Беморларнинг ёши 18 дан 75 ёшгача бўлиб, ўртача $48,96 \pm 0,58$ ёшни ташкил қилади. Жами 103 нафар бемордан 61 нафарини (59,22%) аёллар ва 42 нафарини (40,78%) эркаклар ташкил қилди.

Тизза бўғими остеоартрозини хирургик даволашнинг турига қараб беморлар 2 гуруҳга бўлинди. Биринчи гуруҳга артроскопия ёрдамида тизза бўғимида лаваж, дебридмент ва микрофрактуризация ўтказилган ҳамда таклиф қилинган бўғимнинг медиал юмшоқ тўқималарини релиз қилиш билан бажариладиган комплекс хирургик даволаш услубида даволанган 52 нафар (50,49%) ва иккинчи гуруҳга 51 нафар (49,51%) артроскопия ёрдамида тизза бўғимида лаваж, дебридмент ва микрофрактуризация ўтказилган беморлар киритилди.

Беморларда тизза бўғимининг ҳолати, касалликнинг клиник симптомлари, беморларнинг функционал ҳолати, бўғимнинг ҳаракатланиш амплитудалари ва деформацияси операциядан олдинги ҳамда кейинги эрта ва кечки даврларда 1989 йилда Knee Society Score (KSS) ва Bellamy томонидан тавсия қилинган Western Ontario and McMaster Universities Osteoarthritis Index (WOMAC) баҳолаш тизимлари ёрдамида ўрганилди. Жарроҳликдан кейинги даврда даволаш самарадорлигини ўрганиш учун таклиф қилинган беморлар ҳолатини баҳолаш тартибидан фойдаланилди.

Тиззадаги ўзгаришларни аниқлаш учун барча 103 нафар беморда рентгенологик текширувлар ўтказилди. Ташхисни асослаш ва бўғимдаги ўзгаришларнинг рентгенологик босқичларини ўрганиш учун 1957 йилда J. Kellgren & J. Lawrence томонидан тавсия қилинган таснифдан фойдаланилди. Беморларнинг тизза бўғимида варусли ёки валгусли деформациялар мавжудлигини аниқлаш мақсадида рентгенограммаларда тиббио-феморал бурчак аниқланди.

МРТ текшируви стандарт аксиал ва коронар T1WI, T2WI, сагиттал T1WI ва T2WI сатҳларда 3-4 ммли кесимлар ўтказилди. МРТ текширувларида сон суяги бўғими юзасидаги дегенератив ўчоқларнинг жойлашиш хусусиятлари Cahill–Berg (1983 йил) ҳамда Harding (1977 йил) таснифлари ёрдамида ўрганилди.

ЭНМГ текширувлари сон ва тизза медиал гуруҳи мушакларининг тинч ва функционал ҳолатида бажарилиб, ҳаракат потенциаллари амплитудаси ва интерференцион эгриликлари ўрганилди.

Тизза бўғимида патологик жараёни аниқлаш ва даволаш мақсадида 103 нафар беморларда артроскопия амалиётлари ўтказилди. Артроскопия Stryker (АҚШ) аппарати ёрдамида стандарт антериолатерал ва антериомедиал артротомия бажарилди. Артроскоп ёрдамида бўғимдаги остеоартроз ўчоқларини ўрганишда Outerbridge (1961) таснифидан фойдаланилди. Олинган натижаларни статистик таҳлил қилиш учун Excel махсус дастуридан фойдаланилди. Олинган натижаларни статистик таҳлил қилиш учун Excel махсус дастуридан, 12.0 (СПСС Инс., Чикаго, Иллинойс) дастурлар таъминотидан фойдаланилди. Беморларнинг демографик маълумотлари, операциядан олдинги ва кейинги клиник натижалар тафовутлари стандарт хатони аниқлаш услуби ҳамда Стюдент t-мезонини қўллаш орқали таҳлил қилинди. Маълумотларнинг ўртача арифметик катталиклари ўртача стандарт хатолик (\pm) ҳамда таҳлил қилинаётган гуруҳга нисбатан фоиз ҳисобида келтирилган.

Диссертациянинг «Тизза бўғими остеоартрозларини клиник ва инструментал текшириш натижаларини баҳолаш ва хирургик даволашга кўрсатмаларни аниқлаш» номли учинчи боби тадқиқотга киритилган беморларда ўтказилган клиник ва қўшимча текшириш натижалари ва уларнинг таҳлиliga бағишланган.

Клиник текширишларда биринчи гуруҳга киритилган беморларда даволашдан олдинги даврда VAS шкаласи бўйича оғриқ интенсивлиги $5,96 \pm 0,08$, иккинчи гуруҳдаги беморларда эса $5,78 \pm 0,078$ га тенглиги аниқланди. Даволашдан олдинги даврда бўғимнинг клиник ва функционал ҳолатини баҳолашда биринчи гуруҳда KSS $56,98 \pm 0,6$ ҳамда иккинчи гуруҳдаги беморларда $56,6 \pm 0,4$ ни ташкил қилди. Биринчи гуруҳда WOMAC кўрсаткичи $41 \pm 0,3$ бални ташкил этган бўлса, иккинчи гуруҳда $38,68 \pm 0,4$ эканлиги аниқланди. Изланишларга киритилган беморлар клиник-функционал кўрсаткичлари ва рентгенологик босқичларга нисбатан тақсимлаб чиқилди (1-жадвал).

1-жадвал

KSS ва WOMAC бўйича клиник-функционал баҳолаш натижаларининг рентгенологик босқичларга нисбатан тақсимланиши

| Баҳолаш тизими | | Kellgren ва Lawrence рентгенологик босқичлари | | | | Жами |
|----------------|-------|---|------------|-------------|---------|-------------|
| KSS | WOMAC | 1 (n = 19) | 2 (n=40) | 3 (n=44) | 4 (n=0) | |
| 80-100 | < 14 | - | - | - | - | - |
| 70-79 | 14-28 | 1 (0,97%) | 2 (1,94%) | - | - | 3(2,91%) |
| 60-69 | 29-38 | 15 (14,56%) | 11(10,68%) | 13 (12,62%) | - | 39 (37,86%) |
| <60 | > 38 | 3(2,91%) | 27(26,21%) | 31 (30,10%) | - | 61 (59,22%) |

Рентгенологик текширишларда касалликнинг 1- ва 2-босқичлари 59 нафар (57,28%) беморда ва 3-босқичи эса 44 нафар (42,72%) беморда кузатилди. 58 нафар 56,31% беморда тиббио-феморал бурчакнинг 179

градусдан баланд эканлиги қолган 45 нафар 43,69% беморларда 174 - 178 градус оралиғида эканлиги аниқланди. Биринчи гуруҳга киритилган беморларда тибио-феморал бурчак ўртача $179.4 \pm 0,13$ бўлиб, иккинчи гуруҳдаги беморларда эса тибио-феморал бурчак ўртача $178.12 \pm 0,14$ градусни ташкил қилди.

Хирургик даволашни режалаштириш ва касаллик ҳақида тўла тасаввурга эга бўлиш учун барча 103 нафар беморда МРТ текширувлари ўтказилди. Натижада, патологик ўчоқ 62 (60,19%) нафар беморда сон суяги медиал дўнгликнинг ташқи қисмида, 29 (28,15%) нафар беморда медиал дўнглигининг ички соҳасида жойлашган. 12 (11,65%) нафар беморда патологик ўчоқлар ҳар иккала дўнгликларда аниқланди. Беморларнинг 6 (5,82%) нафарида остеоартроз ўчоғи Harding таснифи бўйича – А соҳада, 22 (21,36%) нафарида А ва Б соҳаларда, 33 (32,03%) нафар беморда Б соҳада, 27 (26,21%) нафарида Б ва С соҳаларида, 15 (14,56%) нафарида эса С соҳада жойлашганлиги аниқланди.

Даволашдан олдинги даврдаги ЭНМГ текширишларида мушакларнинг тинч ҳолатидаги ҳаракат потенциалларининг соғлом оёқдаги максимал амплитуда кўрсаткичлари $102,52 \pm 1,17$ ҳамда касалланган оёқда $131,79 \pm 1,23$ ни ташкил этди. Функционал фаол даврда эса беморларнинг касалланган оёқ мушаклари максимал амплитудаси $372,79 \pm 2,3$ дан, соғлом оёқда эса $447,4 \pm 3$ дан иборат бўлди.


Артроскопик текширишлар натижаларида дегенератив ўзгаришларнинг асосий қисми сон медиал дўнглиги бўғим юзаларида ($n=103$) жойлашган, 45 нафар (43,67%) беморда катта болдир суяги ҳамда 7 нафар (6,79%) беморда тизза қопқоғи бўғим юзасида эканлиги аниқланди. Outerbridge таснифи бўйича бўғим юзалари тоғайининг емирилиши касалликнинг 1-босқичида 19 нафар (18,44%), 2-босқичида 40 нафар (38,84%), 3-босқичида 44 нафар (42,72%) беморда кузатилди. Остеоартроз ўчоғи жойлашган соҳада оғриқлар сабабли мушаклар тонуси ортади ва давомли гиподинамика мушаклардаги контрактурага олиб келади. Бу бўғим юзаларининг янада катта босим билан бир-бирига таъсир қилишига, ҳаракат механизмларининг ўзгаришига, деформация ва ҳаракат чекланишининг янада кўпайишига сабаб бўлади.

Диссертациянинг «**Тизза бўғими остеоартрозларини артроскоп ёрдамида комплекс хирургик даволаш хусусиятлари**» номли тўртинчи бобида беморларда ўтказилган хирургик даволаш усуллари ва касалликнинг эрта босқичларида ўтказиладиган комплекс хирургик даволаш услуги техникасини ёритишга бағишланган.

Сон суяги тизза бўғими тоғайидаги нуқсон ҳажми 4 см^2 дан кичик бўлган 65 нафар (63,10%) беморда бўғим ичи тугалланмаган туннелизацияси – микрофрактуризация ўтказилди. Микрофрактуризация ўтказишда субхондрал суяккача тозалаб олинган тоғай дефекти ўрнида артроскопик бигиз ёрдамида соғлом тоғай чегараси бўйлаб, оралиғи 3-4 ммдан яқин бўлмаган, 1-2 мм чуқурликдаги чуқурчалар шакллантирилди. Микрофрактуризация ўтказилган 65 нафар беморнинг 33 нафарида (32,04%) юқорида келтирилган анъанавий услубда ҳамда қолган 32 нафарида (31,06%) таклиф қилинган

микрофрактуризациялаш амалиёти бажарилди. Ушбу услубда туннелизация қилишда периферик чуқурчаларга нисбатан марказий чуқурчаларнинг ўлчамини 1 мм дан чуқурлаштириб бордик, шунда тоғай чегаралари бўйлаб жойлашган тешиқлар чуқурлиги 2-3 мм бўлса, 2-катор чуқурчаларнинг ўлчами 4-5 мм ва марказий чуқурчаларнинг ўлчами эса 6 мм га тенг бўлди. Бу услубдан ҳосил бўлган чуқурчалар асоси бўғим юзасига қараган “пирамида” шаклига ўхшаш бўлади. Микрофрактуризация яқунлангач, бўғим физиологик эритма билан лаваж қилинди.

Артроскопиядан кейин катта болдир суяги дўнглигидан 1,5-2,0 см медиал юзада *m.sartorius*, *m.gracelis* ва *m.semitendinosus* мушаклари пайлари бирикиш жойида ташқаридан ичкарига ва юқоридан пастга қараб, 2 см ўлчам кесилди. Тери ва тери ости тўқималари ўткир йўл билан ажратилиб, мушаклар пайларининг ўзаро ҳамда суякка бириккан жойлари топилди. Улар ажратиб олинди ва толалар йўналиши бўйича 2-3 см масофагача тўмтоқ йўл билан тенолиз қилинди. Ажратилган мушак пайларига перпендикуляр ўткир учли (11 сон) скальпель ёрдамида шахмат тартибида ўлчамлари 1-2 ммдан ошмайдиган тенотомия ўтказилди. Пайлардаги тенотомия кесимлари сони 4-10га етди. Бўғим медиал соҳаси таранглигини пасайтириш, бўғим ичи бўшлиғида ҳаракат майдонини кенгайтириш ва деформацияни йўқотиш мақсадида медиал коллатерал бойлам юза шохининг пастки толалари релиз қилинди. Сўнгра медиал коллатерал бойлам юза шохи унинг катта болдир суягига бирикиш жойининг пастки чегарасидан бошлаб субпериостал ажратилади. Толалар суякдан ажратилиши давомида тизза бўғимида деформация камайиши кузатилади (1-расм).




1-расм. А - *m. sartorius*, *m. gracelis* ва *m. semitendinosus* мушак пайларини тенотомияси, Б - медиал коллатерал бойлам юза шохини релиз қилиш

Коллатерал бойлам юза шохини релиз қилишни осонлаштириш ва толаларнинг зарур қисмини ажратишни хавфсизроқ бажариш учун таклиф қилинган юмшоқ тўқималарни суякдан ажратувчи распатордан фойдаланилди.

Сўнгра кесма юқорисидан, катта болдир суяги бўғим юзасидан 1,5-2 см масофада *m.sartorius* пайи толалари бириккан соҳасидан, чуқурлиги суякнинг иккинчи кортикал соҳасигача етиб бориб, уни тешиб ўтмайдиган даражада, қалинлиги 2мм бўлган сихлар билан туннелизация қилинди. Бунда сихнинг

кириш тешиклари теридаги кесим чегарасидан чиқмаган ҳолда, учи эса суяк метафизининг олд, медиал ва орқа соҳаларидан ўтувчи, бўғим юзасига параллел, елпигичсимон шаклда жойлашадиган каналлар пайдо қилиш йўли билан бажарилди (2-расм).



2-расм. «Елпигичсимон» туннелизация ўтказиш

Катта болдир суяги проксимал метафизиди бўғим юзасига параллел елпигичсимон субхондрал туннелизация ўтказиш, суяк ичи босимининг пасайиши, веноз димланишининг бартараф қилиниши ва қон айланишининг яхшиланиши орқали бўғим тоғайининг озикланишига ва тоғайдаги регенерация жараёнларининг тезлашишига имконият яратди.

Диссертациянинг «Тизза бўғими остеоартрозларини хирургик даволаш натижалари» деб номланган бешинчи боби даволаш натижалари таҳлилига бағишланган.


Даволаш натижалари операциядан кейин 3 ойгача ва 12 ойдан ортиқ муддатларда клиник-функционал, рентгенологик, МРТ, ЭНМГ ёрдамида таҳлил қилинди. Биринчи гуруҳга киритилган 52 нафар (50,49%) беморда VAS тизими бўйича тизза бўғимидаги оғриқ интенсивлиги операциядан кейинги 3 ойлик муддатларда $2,5 \pm 0,058$ ва кечки даврларда $1,92 \pm 0,05$ гача камайиши ва иккинчи гуруҳга киритилган 51 нафар (49,51%) беморда эрта даврда $3,039 \pm 0,058$ ҳамда кечки муддатларда $2,3 \pm 0,02$ га камайганлиги аниқланди. Операциядан кейинги кечки даврларда биринчи гуруҳдаги беморларда тизза бўғимида ҳаракат доираси чегаралари $16,62 \pm 0,08$ градусга ҳамда иккинчи гуруҳда ушбу кўрсаткич $5,8 \pm 0,2$ градусга яхшиланган.

Гуруҳлар ўртасида солиштирма таҳлил қилинганда, биринчи гуруҳдаги беморларда KSS тизими бўйича баҳолашда бўғимнинг клиник-функционал ҳолати, даволашдан кейинги эрта муддатларда операциядан олдинги даврга нисбатан $15,12 \pm 0,018$ ва кечки даврларда эса $19,22 \pm 0,24$ га, иккинчи гуруҳда эса ушбу кўрсаткич даволашдан кейинги 3 ойлик муддатда $14,36 \pm 0,25$ ва 12 ойлик муддатда $16,28 \pm 0,08$ балларга яхшиланган. WOMAC кўрсаткичи хирургик аралашувгача бўлган даврга нисбатан даволашдан кейинги эрта муддатларда биринчи гуруҳда $18,43 \pm 0,005$, иккинчи гуруҳда $13,48 \pm 0,19$ балга, кечки муддатларда биринчи гуруҳда $24,43 \pm 0,018$ ва иккинчи гуруҳда $16,23 \pm 0,76$ балга ижобий томонга ўзгарган. Операциягача беморларнинг ўртача тибео-феморал бурчаги $178,7 \pm 0,08$ градус эканлиги аниқланган. Медиал гуруҳ юмшоқ тўқималарида релиз ўтказилган биринчи гуруҳдаги 52 нафар 50,49% беморда ўртача тибео-феморал бурчак даволашгача $179,4 \pm 0,13$

градусни ташкил этиб, даволашдан кейинги эрта даврда $175,09 \pm 0,096$ градус ҳамда кечки муддатларда $175,1 \pm 0,08$ градусга камайганлиги, ва иккинчи гуруҳга киритилган 51 нафар $49,51\%$ беморда ўртача тибео-феморал бурчак операциядан олдинги даврда $178.12 \pm 0,14$ градусга тенг бўлиб, операциядан кейинги эрта даврда $178.27 \pm 0,12$ градусга ва кечки муддатларда эса $179.2 \pm 0,098$ градусгача ошганлиги аниқланди.

Тизза бўғими тоғай нуқсонларида ўтказилган микрофрактуризация натижаларини ўрганиш учун операциядан кейинги даврда 39 нафар ($37,86\%$) беморда МРТ ўтказилди. Операциядан олдин субхондрал соҳа патологик ўзгаришлари, хусусан, бўғим тоғайи чизиғи узилишлари, субхондрал соҳада силликлик йўқолганлиги ва трабекуляр шишлар аниқланди. Микрофрактуризациядан кейин эрта даврда сон суягининг тоғай нуқсониди ва микрофрактуризация қилинган чуқурчаларда қон қуйилиши оқибатида бирламчи регенерация ўчоқлари бўғим суяқлиги интенсивлигига яқин бўлган, аммо суякланиш элементлари аниқланмайдиган юқори интенсивли гомоген масса аниқланди. Кечки даврларда субхондрал суяқлар регенерацияга хос бўлган спонгиоз суяқларнинг зичлашуви, нуқсон ҳажмининг кичиклашганлиги ва сон суяги тоғай нуқсони соҳасида бўғим юзаларининг силликлашганлиги аниқланди.

ЭНМГ ва артроскоп текширишлар комплекс хирургик даволанган 52 нафар ($50,48\%$) беморда ўтказилиб, олинган натижалар назорат гуруҳидаги беморлар кўрсаткичлари ҳамда беморларнинг касалланган ва соғлом оёқлари маълумотлари билан қиёсий равишда таққосланди (3-расм).



3-расм. Сон ва тиззанинг медиал мушаклари тинч ҳолатда ҳаракат потенциаллари максимал амплитудасининг кўрсаткичлари

Беморларни клиник ва функционал текшириш натижаларини таҳлил қилишда биринчи гуруҳдаги беморларда яхши натижалар 37 нафар ($71,15\%$), қониқарли натижалар 14 нафар ($26,96\%$) ва қониқарсиз натижалар 1 нафар ($1,92\%$) беморда кузатилди. Иккинчи гуруҳдаги беморда 26 нафар ($50,98\%$) яхши, 22 нафар ($43,14\%$) қониқарли ва 3 нафар ($5,88\%$) беморда қониқарсиз натижалар олинди.

ХУЛОСА

1. Тизза бўғими остеоартрозлари бўлган беморларнинг аксариятида (73 нафар, 70,87%) оғриқ бўғимнинг медиал соҳасида кузатилиб, асосан соннинг медиал қисмига иррадиация беради. Инструментал текширишлар (58 нафар, 56,31%) беморларда тибео-феморал бурчакнинг 180 градусдан баландлиги, МРТ ва артроскопик текширишларда (103 нафар, 100%) асосан бўғимнинг медиал соҳасида дегенератив ўзгаришлар аниқланиши билан бирга ЭНМГ натижалари касалланган оёқда тизза бўғим медиал соҳаси мушакларининг тинч ҳолатидаги ҳаракат потенциалларининг максимал амплитудаси соғлом оёқ кўрсаткичларига нисбатан ортишини, функционал фаол даврда эса камайишини кўрсатади.

2. Тизза медиал соҳасининг мушаклари пайларини тенотомия, тенолиз қилиш ва тизза медиал коллатерал бойламининг юза шохини релиз қилиш услубини қўллаш тизза бўғими бўшлиғи ҳаракат майдонини кенгайтириб, бўғим юзалари ишқаланишини камайтиришга, бўғим компонентларининг ҳаракатини эркинлаштиришга, деформациянинг ривожланишининг олдини олишга ёрдам беради.

3. Тизза бўғими остеоартрозларининг эрта босқичларида қўлланиладиган комплекс хирургик услубни бажаришда медиал коллатерал бойлам толаларини қисман суяқдан ажратишни хавфсизроқ бажариш учун тутғич ва ишловчи қисмдан иборат, ишловчи қисм гумбазсимон букилиб, унинг охири юмшоқ тўқималарни ажратишга қулай, ўткир бурчак остида ичкарига қайрилган шаклда ясалган, юмшоқ тўқималарни найсимон суяқлардан ажратиш учун мослама хирургик амалиётни бажаришни осонлаштиради ва ёндош тўқималарнинг ортиқча жароҳатланишининг олдини олади.

4. Катта болдир суягининг проксимал эпиметафизидан «елпиғичсимон» туннелизация ўтказиш бўғим юзалари ва унга ёндош тўқималарда қон айланишини яхшилади ва бўғим тоғайи эрта емирилишининг олдини олиб, регенерациясини тезлаштиришга ёрдам беради.

5. Беморларнинг клиник ва функционал ҳолатини кундалик ҳаёт фаолиятига боғлиқ равишда баҳолаш ҳамда бошқа текшириш ва даволаш амалиётларини ўтказишга эҳтиёжи бор ёки йўқлигини аниқлашда тизза бўғими остеоартрозини хирургик даволашдан кейинги даврда баҳолаш тартибини қўллаш даволашдан кейинги даврдаги ўрганишни осонлаштиради.

6. Тизза бўғими остеоартрозларини эрта босқичларда комплекс хирургик даволаш усули қўлланилганасосий гуруҳ беморларида даволаш натижалари назорат гуруҳига нисбатан сезиларли даражада яхшиланиб, 71,15% яхши, 26,96% қониқарли ва 1,92% қониқарсиз, назорат гуруҳдаги беморларда эса 50,98%, яхши, 43,14% қониқарли ва 5,88% қониқарсиз натижалар кузатилди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ
DSc.28.02.2018.Tib.62.01 ПРИ РЕСПУБЛИКАНСКОМ
СПЕЦИАЛИЗИРОВАННОМ НАУЧНО-ПРАКТИЧЕСКОМ
МЕДИЦИНСКОМ ЦЕНТРЕ ТРАВМАТОЛОГИИ И ОРТОПЕДИИ**

ТАШКЕНТСКАЯ МЕДИЦИНСКАЯ АКАДЕМИЯ

ЭШНАЗАРОВ КАМОЛХУЖА ЭШНАЗАРОВИЧ

**СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ ХИРУРГИЧЕСКОГО ЛЕЧЕНИЯ
ОСТЕОАРТРОЗОВ КОЛЕННОГО СУСТАВА**

14.00.22 – Травматология и ортопедия

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО МЕДИЦИНСКИМ НАУКАМ**

ТАШКЕНТ – 2018

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за №В2017.3.PhD/Tib367.

Диссертация выполнена в Ташкентской медицинской академии.

Автореферат диссертации на двух языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.niito.uz) и Информационно-образовательном портале «Ziyonet» (www.ziyonet.uz).

- Научный руководитель:** **Асилова Саодат Убайевна**
доктор медицинских наук, профессор
- Официальные оппоненты:** **Хамраев Алишер Шахобович**
доктор медицинских наук
- Алимов Азиз Пулатович**
кандидат медицинских наук
- Ведущая организация:** **Клиника Ёнгин при Университете Ёнсей,**
Республика Корея

Защита диссертации состоится «_____» _____ 2018 г. в _____ часов на заседании Научного совета DSc.28.02.2018.Tib.62.01 при Республиканском специализированном научно-практическом медицинском центре травматологии и ортопедии (Адрес: 100147, г.Ташкент, ул. Махтумкули йули,78.Тел.: (+99871) 233-10-30; факс: (+99871) 233-10-30; e-mail: niito-tashkent@yandex.ru, Республиканский специализированный научно-практический медицинский центр травматологии и ортопедии).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Республиканского специализированного научно-практического медицинского центра травматологии и ортопедии (зарегистрирован за №_____). Адрес: 100147, г.Ташкент, ул. Махтумкули,78. Тел.: (+99871) 233-10-30; факс: (+99871) 233-10-30.

Автореферат диссертации разослан «_____» _____ 2018 года.
(реестр протокола рассылки №_____ от _____ 2018 года).

М.Ж. Азизов
Председатель Научного совета по присуждению ученых степеней,
доктор медицинских наук, профессор

У.М. Рустамова
Ученый секретарь Научного совета по присуждению
ученых степеней, кандидат медицинских наук,
старший научный сотрудник

И.Ю. Ходжанов
Председатель Научного семинара при Научном совете
по присуждению ученых степеней
доктор медицинских наук, профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. По данным Всемирной Организации Здравоохранения остеоартрозы встречаются у мужчин в среднем в 9,6%, у женщин в 18%¹. Остеоартрозы коленного сустава встречаются от 8 до 40%, в том числе у пациентов старше 65 лет эти показатели в среднем составляют 33,6%². В Европе у людей от 40 до 80 лет с патологией коленного сустава остеоартрозы встречаются от 22% до 55% и считаются основной причиной инвалидности³.

Для лечения остеоартрозов коленного сустава в мире предложены ряд оперативных методов, как артроскопия, околосуставные виды остеотомии, эндопротезирование сустава и многие другие. Для снижения развития остеоартроза и улучшения функционального состояния коленного сустава применяют также дебридмент, микрофрактуризацию, хондропластику и коррегирующие операции. Несмотря на то, что отмечаются положительные результаты от применения данных методов, их травматичность приводит к частым осложнениям лечения, что усложняет применение других методов хирургического вмешательства. В результате этого удлиняются сроки клинического и функционального восстановления. Частое несовпадение клинических данных к реальным изменениям в суставах усложняет выбор тактики лечения. Это указывает на необходимость разработки малотравматичных комплексных хирургических методов лечения, основанных на патогенетические механизмы заболевания.

В настоящее время в нашей республике проводятся широкомасштабные мероприятия для социальной поддержки населения и усовершенствования системы здравоохранения. В частности, в пункте 4.2 Стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан на 2017-2021 годы отмечен ряд задач по социальной защите населения, усовершенствования системы здравоохранения и социальной поддержки женщин⁴. В том числе, определены отдельные меры по повышению качества медицинской помощи населению, улучшению диагностики и лечения в отдаленных регионах республики, а также восстановлению здоровья женщин и граждан старшего поколения. Совершенствование хирургического лечения остеоартрозов коленного сустава, широко распространенного среди населения пожилого и старческого возраста и женщин, с использованием современных диагностических методов,

¹ World Health Organization website / Woolf A.D., Pfleger B. Burden of major musculoskeletal conditions // Special Theme – Bone and Joint Decade 2000-2010 p.646-656;

² Joern W., Michael P., Klaus U. The Epidemiology, Etiology, Diagnosis, and Treatment of Osteoarthritis of the Knee. // Dtsch Arztebl Int. – 2010. – Vol. 107, N. 9. – pp.152–162;

³ Castell M. V., Suzan van der Pas, Otero A., et al. Osteoarthritis and frailty in elderly individuals across six European countries: results from the European Project on OsteoArthritis (EPOSA). // BMC Musculoskeletal Disorders. – 2015. – N. 16. – pp. 359- 364;

⁴ Указ Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года № УП-4947«Стратегия действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017-2021 годах»

и разработка систем оценки состояния больных в послеоперационном периоде, является актуальной проблемой, которая соответствует требованиям Стратегии действий.

